

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

736 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Шакар саноатини замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳисобига янада ривожлантириш, маҳаллий истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳолини қанд-шакар билан янада тўлиқ таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатимизда шакар ишлаб чиқаришини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 8 июндаги 167-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 23-24-сон, 261-модда) 11-бандида:

а) биринчи хатбошига «ва Ўзбекистон Республикасида амалга оширилдиган бошқа фаолият» сўзлари қўшилсин;

б) «б» кичик банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«б) хорижий инвесторлар (норезидентлар ва Ўзбекистон Республикасидаги норезидентларнинг доимий муассасалари), «Welton International

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Enterprises Pte. Ltd.» (Сингапур), «Kito Investment Pte. Ltd.» (Сингапур) ва «SEID Handelsgesellschaft m.b.H.» (Австрия) компаниялари улар томонидан Ўзбекистон Республикасига инвестициялаш бошланган пайтдан бошлаб ва 2020 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятдан даромадлари, шу жумладан бошқа шахсларга тўланаётган даромадлари юридик шахсларнинг фойдасига солинадиган солиқларнинг барча турларини тўлашдан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан хорижий инвесторларга дивидендлар тўлаш манбаида солиққа тортиладиган дивидендларга солинадиган солиқлар бундан мустасно».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ангрен шакар» МЧЖ ХКнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 1 июлдаги 224-сон қарорининг 2-бандига «шунингдек «Хоразм шакар» АЖ ҚК шакар заводини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашни беғараз молиялаштиришга» сўзлари қўшилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 июль,
534-сон